## ВАТАН ХАРИТАСИ

*29 январь куни республика Вазирлар Маҳкамасида ёнилғи-энергетика ресурсларини тежаш комиссиясининг мажлиси бўлди. Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, мазкур комиссия раиси И. Жўрабеков бошқарган ушбу мажлисда солиқ хизматлари, прокуратура органлари, давлат техника назорати, Ўзбекистон нефть-газ инспекцияси ва ёнғиндан сақлаш назорати билан биргаликда ўтказган текширишларга доир материаллар кўриб чиқилди.*

*Комиссия ёнилғи ва энергиядан оқилона фойдаланиш устидан назоратни кучайтиришга оид тавсиялар берди.*

* * *

*Куни кеча «Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпанияси ўзининг 6 йиллик байрамини нишонлади. Шу муносабат билан авиакомпанияда журналистлар учун матбуот анжумани ўтказилди. Айни кезда 63 йўналиш бўйича «бешинчи уммон» дея аталмиш само кенгликларида ишончли парвоз этаётган пўлат қушларнинг юртимиз довруғини дунёга ёяётганлиги алоҳида таъкидланди.*

*Жорий йилда йўловчиларга хизмат кўрсатиш савиясини жаҳон андозалари асосида ошириш муҳим мақсад эканлиги айтилди.*

* * *

*Самарқандда БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда «Инсоннинг халқаро ҳуқуқлари ва уларни Ўзбекистон шароитига мослаштириш» мавзуида халқаро семинар бўлиб ўтди. Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида юртимизда амалга оширилаётган ишларга холисона баҳо берилди, мавжуд муаммоларни бартараф этиш юзасидан таклиф-мулоҳазалар билдирилди.*

* * *

*Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Муборак ҳаж зиёратига борувчиларга ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги қарорига кўра, Соғлиқни сақлаш вазирлигида бир талай ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, бўлажак ҳожилар тиббий кўрикдан вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг марказий шифохоналарида 18 февралга қадар ўтказилади. Сўнг сафарга кетишдан бир ҳафта олдин айрим юқумли хасталикларга қарши эмланади. Ҳаж сафари давомида ўн нафар малакали тиббий ходим хизмат кўрсатади.*

## БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

*Гватемала билан Куба ўртасидаги дипломатия алоқалари яна қайтадан тикланди.*

*Бундан 37 йил муқаддам, яъни Кубада ҳокимиятни Фидель Кастро эгаллаганидан сўнг мамлакатлар ўртасидаги дипломатия алоқалари узилиб қолган эди.*

*Кузатувчиларнинг фикрича, Гватемала билан Куба ўртасида бундай муносабатларнинг қайта тикланиши Рим католик черкови бошлиғи Иоҳанн Павел II нинг Кубага ташрифи самарасидир.*

* * *

*Олимпиада ўйинларига тайёргарлик қўмитаси раҳбари Сэнди Холлуэйнинг фикрича, Осиёда юз берган молиявий инқироз 2000 йилда Австралиянинг Сидней шаҳрида бўлажак Олимпиада ўйинлари олдидан ўтказиладиган тадбирлар учун мўлжалланган маблағни йиғишга ҳам халақит бериши эҳтимолдан йироқ эмас.*

*Ҳисоб-китобларга кўра, Олимпиада ўйинларига тайёргарлик кўриш учун 2,3 миллиард Австралия доллари лозим бўлади. Агар ушбу молиявий инқироз Олимпиада бюджетига ўз таъсирини кўрсатса, харажатларни қисқартиришга тўғри келади.*

* * *

*Россия Президентининг Яқин Шарқ муаммоси бўйича махсус вакили Виктор Посувалюк Ироқ Бош вазирининг ўринбосари Тариқ Азиз билан учрашганда Россия ҳукумати Ироққа нисбатан ҳарбий куч ишлатилишига қарши эканини айтди. Шунингдек, у Бағдод ҳукуматини БМТ резолюциялари талабларини бажаришга ҳам чақирди.*

* * *

*Президент Ҳ. Алиевнинг махсус фармони билан Озарбойжонда қиморхоналар, ахлоқсизликка хизмат қиладиган шунга ўхшаш бошқа кўнгилочар жойлар ёпиладиган бўлди.*

*Шунингдек, Президент Ҳ. Алиев ҳукуматга мамлакатда гиёҳвандлик ва ичкиликбозликка қарши курашни фаоллаштириш, зўравонлик ва беҳаёликни тарғиб қилувчи оммавий ахборот воситалари фаолиятини тартибга солишни топширди.*

*Ватанни севмак иймондандур!*

# ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 31 январь, шанба • № 14 (22.251).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

**Муҳтарам Президент жаноблари,**

**ҳаётингиздаги муҳим сана — қутлуғ олтмиш йиллик юбилейингиз билан самимий қутлайман.**

***Эзгу тилаклар ила,***

***АКИХИТО,***
***Япония императори.***

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

**Муҳтарам Президент жаноблари,**

**табаррук олтмиш ёшингиз билан муборакбод этаман. Доимо ривожланишда бўлган Япония — Ўзбекистон муносабатлари янада мустаҳкамланишига чин дилдан умид қиламан ҳамда бунинг учун Сиз жаноби олийлари билан биргаликда бор кучимни сарфлайман. Сиз жаноби олийларига мустаҳкам сиҳат-саломатлик ва ўта масъулиятли фаолиятингизда бундан буён ҳам муваффақиятлар тилайман.**

***Камоли эҳтиром ила,***

***Рютаро ХАСИМОТО,***
***Япония Бош вазири.***

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

**Муҳтарам Президент жаноблари,**

**таваллудингизнинг 60 йиллиги билан чин қалбдан табриклайман. Сизга мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ҳамда ўзбек халқи фаровонлиги йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.**

**1995 йил апрель ойида Ўзбекистонга буюрган ташрифимни, шунингдек, 1995 йил ноябрь ойида Штутгарт ва Бонндаги учрашувларимиз, суҳбатларимизни, шу билан бирга, ҳам янги, ҳам қадимий Ўзбекистон ўзининг салобатли меъморий ёдгорликлари билан менда уйғотган таассуротларни мамнуният билан эслайман. Сиз мамлакатингизни қудратли ижодий куч-қувват ва катта ғайрат билан мустақиллик ва ислоҳотлар йўлидан бошлаб бормоқдасиз.**

**Сиз ўзингизнинг янги китобингизда қайд этганингиздек, Ўзбекистон XXI аср бўсағасида янада улкан масалаларни ҳал этиши керак. Мамлакатингиз учун муҳим бўлган бу масалаларнинг муваффақиятли ечимида Сизга катта куч-ғайрат тилайман.**

***Роман ХЕРЦОГ,***
***Германия Федератив Республикаси Президенти.***

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

**Муҳтарам Президент жаноблари,**

**муборак юбилейингиз билан табриклаш учун Сизга мурожаат этиш шарафига муяссар бўлиб турибман. Шу муносабат билан бизнинг ўтган йили бўлган учрашувимизни эслаш менга жуда ҳузур бағишлайди. Ўз мамлакатингиз равнақи ва унинг халқаро ҳамжамиятда ўзининг муносиб ўрнини топиш йўлида қилган барча ишларингиз учун Сизни қутлашдан мамнунман.**

**Чехия Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасидаги муносабатлар бундан буён ҳам халқларимиз манфаатларига мос равишда ривожланиб ва мустаҳкамланиб бораверишига аминман. Мен ўтган йили Прагада Сиз билан биргаликда имзолаш шарафига муяссар бўлган қўшма декларация бундан далолат бериб турибди.**

**Президент жаноблари, Сизга мамлакатингизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ҳамда унинг гуллаб-яшнаши йўлида улкан куч-ғайрат тилайман.**

**Сизга чуқур эҳтиромимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.**

***Вацлав ГАВЕЛ,***
***Чехия Республикаси Президенти.***

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

**Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,**

**таваллудингизнинг олтмиш йиллиги муносабати билан самимий табрикларимни қабул этгайсиз.**

**Сизнинг мамлакатларимиз ҳамда қардошликнинг асрий анъаналари билан ўзаро боғланган халқларимиз ўртасидаги дўстлик ва ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш ва ривожлантиришга қўшган шахсий ҳиссангиз Россияда юксак қадрланади.**



# САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР!

**Тарихнинг ўзи Россия билан Ўзбекистонга қўлни қўлга берган ҳолда, туб миллий манфаатларга мос умумий мақсадларга эришишда ҳамкорлик қилишни белгилаб берган.**

**Сизга, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, чин қалбдан сиҳат-саломатлик, бардамлик, Ўзбекистон халқи фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.**

***Камоли эҳтиром ила,***

***Борис ЕЛЬЦИН,***
***Россия Федерацияси Президенти.***

***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

**Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!**

**Энг аввало, Сизни муборак юбилейингиз билан самимий қутлаб, мустаҳкам сиҳат-саломатлик, ишларингизда муваффақиятлар, давлатингиз тараққиёти йўлидаги улкан режаларингизнинг амалга ошиши, шунингдек, Сизга тақдирини ишониб топширган Ўзбекистоннинг дўст халқига бахт-саодат ва фаровонлик тилашга ижозат бергайсиз.**

**Сизнинг Ўзбекистонда давлатчиликнинг оёққа туриши ва муваффақиятли ривожланишидаги улкан ҳиссангиз барчага маълум, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич. Сизнинг дўст халқларимиз ва давлатларимиз ўртасидаги ҳар томонлама муносабатлар ҳамда кўп қиррали ҳамкорликни мустаҳкамлашга шахсан катта эътибор бераётганингиз ҳам юксак таҳсинга сазовордир. Биз Украина билан Ўзбекистон ўртасидаги анъанавий яқин ва самимий муносабатлар Сизнинг самимий саъй-ҳаракатларингиз туфайлигина ҳақиқий шериклик маъносини касб этганини ишонч билан айта оламиз.**

**Сизнинг Украина ва Ўзбекистон ўртасидаги давлатларо муносабатларни ривожлантиришдаги, мамлакатларимиз халқлари ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашдаги улкан шахсий хизматларингиз учун мен Сизни биринчи даражали князь Ярослав Мудрий ордени ҳамда Украина Президентининг туҳфаси — исми-шарифингиз битилган ўқ отиш қуроли билан тақдирлаш ҳақида қарор чиқарганимни маълум қилиш менга улкан мамнуният бахш этади.**

**Киевга буюражак ташрифингиз пайтида Сизга бу мукофотларни топширишдан бахтиёр бўламан. Бу ташриф икки томонлама муносабатларимизда тарихий босқич бўлиб қолиши шубҳасиздир.**

**Меҳмондўст Украина заминида учрашгунимизга қадар хайр!**

***Камоли эҳтиром ила,***

***Леонид КУЧМА,***
***Украина Республикаси Президенти.***

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

**Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич,**

**таваллуд кунингизнинг олтмиш йиллиги муносабати билан энг самимий табрикларимни қабул этгайсиз.**

**Мана шу муборак кунда Россия билан Ўзбекистонни бирбирига боғлаб турган дўстлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик ришталари бундан буён ҳам мустаҳкамланиб, халқларимиз фаровонлиги йўлида тобора кўпаяверишига ишонч билдириш менга алоҳида мамнуният бахш этади.**

**Ўзингиз ва оила аъзоларингизга чин қалбдан мустаҳкам сиҳат-саломатлик, бардамлик, шунингдек, Сизнинг Ўзбекистон Республикаси давлат ва ҳукумат бошлиғи сифатидаги масъулиятли фаолиятингизда муваффақиятлар тилайман.**

**Фурсатдан фойдаланиб, ўтган йил декабрь ойида Тошкентда Россия делегациясига кўрсатилган самимий иззат-икром учун яна бир бор ташаккур изҳор этаман.**

**Сизга самимий меҳр-муҳаббат туйғуларимни ҳамда Россия — Ўзбекистон ҳукуматлараро алоқалар доирасида ҳам, шахсий дўстона асосда ҳам қадимий дўстона муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш истагида эканимни яна бир бор изҳор этишга ижозат бергайсиз.**

***Виктор ЧЕРНОМИРДИН,***
***Россия Федерацияси ҳукумати раиси.***

* * *

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

**Азиз Ислом Каримов,**

**Сизни таваллуд кунингизнинг 60 йиллиги билан табриклайман. Мустаҳкам сиҳат-саломатлик, улкан давлат фаолиятингизда янги-янги муваффақиятлар тилайман.**

**Сиз халқингиз учун ниҳоятда қийин, мураккаб даврда Ўзбекистонга раҳбар бўлдингиз. Сизнинг қай даражада мардлик ва донолик билан ўзбек халқининг шаънини ҳимоя қилганингиз, уни кўпгина офатлардан сақлаб қолганингиз, қардош Ўзбекистоннинг барча фуқароларини миллий давлатчилик ғояси ва тамойиллари теграсига жипслаштирганингиз барчага яхши маълум.**

**Совет Иттифоқи тарқалиб, Ўзбекистон давлат мустақиллигини қўлга киритган даврда Сиз, азиз Ислом Каримов, доно, оқилона чоралар билан келиб чиқиши мумкин бўлган турли офатларнинг олдини олиб, Ўзбекистонда барқарорликни ўрнатдингиз. Ўзбек халқининг бахти шундаки, мана шу мураккаб даврда айнан Сиз, қатъиятли ва мард инсон — Ислом Каримов Ўзбекистоннинг бошида турдингиз.**

**Сизнинг мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Президенти лавозимидаги фаолиятингиз энг юксак баҳога лойиқдир. Муҳими шундаки, ўтган давр мобайнида Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги мустаҳкамланиб, тоймас йўлга тушиб олди. Ўзбекистон бу йиллар давомида суверен демократик давлат қурилишини, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларни, ижтимоий-иқтисодий тараққиётни амалга оширишда улкан муваффақиятларга эришди.**

**Осиёдаги йирик давлатлардан бири бўлган Ўзбекистон улкан халқаро нуфузга эга бўлди, жаҳон ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини эгаллади.**

**Сизнинг мустақил, чуқур ўйланган, халқнинг миллий манфаатларига мос ташқи сиёсатингиз бутун минтақамизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим омили ҳисобланади.**

**Озарбойжон ва ўзбек халқлари бир-бири билан азалдан тил, маданият, тарих, миллий анъана ва урф-одатлар муштараклиги ришталари билан боғланган. Сўнгги, мустақил давлатлар бўлмиш Ўзбекистон билан Озарбойжон ўртасида бевосита дўстона муносабатлар ўрнатилган йиллар халқларимиз ўртасидаги муносабатларнинг энг ёрқин ва самарали босқичи ҳисобланади. Биз бунга катта аҳамият берамиз ҳамда бу муносабатлар халқларимизнинг миллий манфаатлари йўлида янада мустаҳкамланиб, ривожланиб бораверишига ишонамиз.**

**Азиз Ислом Каримов, мен Сизни ўзбек халқининг атоқли фарзанди, ўз Ватанини ривожлантириш ҳамда унинг мустақиллигини мустаҳкамлашга улкан ҳисса қўшган атоқли давлат арбоби деб биламан.**

**Сизни кўп йиллар мобайнида билиб, самарали фаолиятингизни кузатар эканман, ўз халқингизнинг миллий манфаатларига содиқлигингиз, бой тажрибангиз, мислсиз қобилиятингиз билан мустақил Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнаши учун ҳали кўп иш қилишингизга ишончим комил. Назаримда, Ўзбекистоннинг барча фуқаролари ҳам бугунги кунда Сизга ана шундай ишонч ва умид билан қарайди.**

**Сизга, азиз Ислом Каримов, оила аъзоларингизга бахт-саодат ва бардамлик тилайман. Қардош ўзбек халқига ҳам тинчлик, хотиржамлик, мустақиллик ва демократия йўлида янги-янги муваффақиятлар тилайман.**

***Камоли эҳтиром ила,***

***Ҳайдар АЛИЕВ,***
***Озарбойжон Республикаси Президенти.***

***

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА**

**60 йиллик юбилейингиз муносабати билан самимий табрик сўзларим ва энг эзгу тилакларимни қабул этгайсиз.**

**Сизга суверен Ўзбекистоннинг биринчи Президенти бўлишдек юксак шараф ва улкан масъулият насиб этган. Ўзбек халқи мамлакат тараққиётининг бурилиш даврида ўз йўлбошчисини тўғри танлагани бугунги кунда барчага аён бўлиб турибди.**

**Сизнинг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ислоҳотни амалга оширишдаги йўлингизга амал қилган Ўзбекистон ўз тараққиётида улкан ютуқларга эришди. Мамлакатингиз жаҳон ҳамжамиятининг тўлақонли аъзоси сифатида янги асрга ишонч билан қадам қўймоқда.**

**Қозоғистонликлар Сизни мамлакатимизнинг содиқ дўсти сифатида эъзозлашади. Сизнинг фаол иштирокингиз туфайли давлатларимиз ўртасидаги анъанавий ҳамкорлик, қардошлик, ўзаро ёрдам муносабатлари йилдан йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Бу муносабатлар мангу дўстлик ҳақидаги мислсиз шартномада ўз аксини топган. Бундай мустаҳкам ўзаро алоқалар қозоқ ва ўзбек халқларининг орзу-умидларига тўла мос келади.**

**Сизнинг ажойиб ишчанлик ва инсоний фазилатларингизни, ўртамизда вужудга келган дўстона муносабатларни мен беҳад қадрлайман. Ишончим комилки, халқларимиз маънавий якдилликни, аждодларимиздан бизга мерос қолган барча бебаҳо қадриятларни янада мустаҳкамлаб, бир-бирига елкадош бўлиб бундан буён ҳам олға қадам ташлайверади.**

**Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич, Сизга чин юракдан сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва бардамлик, Ўзбекистон фаровонлиги йўлидаги фаолиятингизга янги муваффақиятлар тилайман.**

***Камоли эҳтиром ила,***

***Нурсултон НАЗАРБОЕВ,***
***Қозоғистон Республикаси Президенти.***

(Давоми 2-бетда).

## МАДАНИЯТ ХОДИМЛАРИ ГУРУНГИ

Ўзбекистон маданият ходимларидан бир гуруҳи 29 январь куни Ҳамза номидаги Академик драма театрига жам бўлди. Ижодий уюшма ва бирлашмалар раҳбарлари, аъзолари, оммавий ахборот воситалари ходимлари, олимларнинг бу учрашувида бир қатор жамоат ташкилотларининг вакиллари ҳам иштирок этди. Йиғилганлар мустақиллик даврида босиб ўтилган йўлга назар ташлаб, олдинда турган вазифалар ҳақида гаплашиб олишди.

Ўзбекистон мустақилликнинг олти йили мобайнида ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий, ҳам ижтимоий соҳада мисли кўрилмаган ютуқларга эришди. Президентимиз маданият, маърифат, маънавиятни ривожлантиришга катта эътибор бермоқда. «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, «Ўзбекнаво», «Ўзбекрақс», «Ўзбеккино», Бадиий академия, Маъмун академиясининг ташкил этилиши, Ўзбекистон тарихини барпо этиш борасидаги ишнинг бошланиши, Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастурнинг қабул қилиниши сингари жуда кўп ишлар халқимизнинг ўзлигини англаши, миллий ғурур ва маънавий қадриятларни тиклаш борасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг ёрқин намуналаридир.

Халқаро кинофестиваль, «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали улкан маданий салоҳиятимизни намойиш этибгина қолмай, мамлакатимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада оширди. Буларнинг барчасида, шунингдек, Бухоро ва Хива шаҳарларининг 2500 йиллигига бағишланган тадбирларда адабиёт ва санъат аҳлининг, маданият ходимларининг хизмати бениҳоя катта бўлди. Бу тадбирларда иштирок этганлардан бир гуруҳи Ўзбекистоннинг юксак мукофотларига сазовор бўлгани, ҳукуматнинг санъаткорлар, маданият аҳлига доимо ғамхўрлик қилиб келаётгани, уларнинг хизматини муносиб баҳолаётганидан яна бир далолатдир.

Бироқ, эришилган ютуқлар билан кифояланиб қолмаслик керак. Ўзбекистоннинг буюк келажагини таъминлаш, ёш авлодни халқимиз ўтмишига ҳурмат, миллий ғурур ва Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш борасида қилинадиган ишлар кўп. 1998 йил — Оила йили деб эълон қилинган экан, маданият ходимлари олдида Ватаннинг негизи бўлган оилани мустаҳкамлаш учун хизмат қиладиган юксак савиядаги бадиий асарлар яратиш, китобхон ва томошабин дидини тарбиялашдек шарафли вазифалар турибди. Бу ўринда мамлакатимизда мавжуд барқарор вазиятни тўғри идрок этган ҳолда, хотиржамлик ва лоқайдликка берилмаслик, доимо сергак бўлиш зарур.

Учрашувда Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Ў. Раҳматов, Бош вазир ўринбосари А. Азизхўжаев нутқ сўзлади.

**(ЎзА).**

# ҚАЙТАРИЛМАС МЎЪЖИЗА

Биз кўпинча мўъжиза ахтариб сарсон бўламиз — ғайритабиий ҳодисаларни, илгари учратмаган нарсаларни кўргандагина ҳайратга тушамиз, улар ҳақида бошқаларга тўлқинланиб ҳикоя қиламиз. Ҳолбуки, ҳар бир инсон оламнинг буюк мўъжизаси, қайтарилмас кашфиётидир. Фақат бу ИНСОНни танимоқ, унга ихлос-ла ёндошмоқ, бардош кўрсатиб тингламоқ керак.

Фотомухбир Муҳаммад Амин билан икковимиз яқинда Фарғона сафарида бўлганимизда ўзининг салкам саксон йиллик умри, метин бардоши, ёшлар ҳам ҳавас қилгудек соғлиги, ниҳоятда тиниқ хотираси билан бизни лол қолдирган бир инсон — тирик мўъжиза билан суҳбатлашдик...

Жумавой ота Йигиталиев 1919 йилда Боғдод туманининг Чувринди қишлоғида, ўзига тўқ деҳқон хонадонида дунёга келган. Бобоси — Ҳисомиддин ҳожи бува илми бор, қишлоқнинг баобрў кишиларидан бўлиб, набирасининг ҳам фақат «ўриснинг илми»ни эмас, «эскича»дан ҳам бир нималар билиб қолишига сабабчи бўлган.

Отаси — Йигитали аканинг бир отию бир жуфт ҳўкизи бўлгани учун насаби «қулоқ», «муштумзўр» аталган бўлса-да, бу — «ёт унсур»нинг боласи давлатга керак экан. 1939 йилда ҳарбийга чақирилган Жумавой аввал Фин урушида, кейин иккинчи жаҳон уруши майдонларида қон кечди. 1942 йил кеч кузида Можайск тақсимот пунктида Ш. Рашидов билан танишиб, Домла билан бирга (у дўстини шундай чақирарди!) ўзбек дивизияси сафида Сталинград ҳимоясида қатнашишди. Улар урушда не даҳшатларни, одам боласининг қай хорликларини кўришмади. Бироқ, шоир «Тош экан бошим, ҳеч ёрилмади» деганидек, пўлатдан қуюлган танку замбараклар чидамаган урушга одам чидар экан, одам ҳаммасини кўтарар экан. Лекин тақдирдан ҳам қочиб қутилиб бўлмаскан.

Урушнинг охири кўриниб қолган бир пайтда фалокат чин маънода оёқ остидан чиқди...

Аслида урушнинг мантиқи (агар у бор бўлса!) «ким кимни?» деган саволга жавоб излашдан бошқа нарса эмас. Бу қоронғу майдонда, албатта, кимдир сайд ва кимдир сайёд — биров қувади, бошқа яширинади. Ҳар иккиси бир-бировини доғда қолдиришни истайди. Бу сафар ҳам шундай бўлди. 176 мм.ли артиллерия замбарагининг мергани Жумавой Йигиталиев Оврўпанинг нотаниш ўрмонини кесиб ўтган йўлга шубҳа билан қаради: немис мина қўйган бўлиши мумкин! Йўл четидан — ўтлар орасидан юрди. Унинг худди шундай ўйлаб, шу тахлит ҳаракат қилишини олдиндан билган устамон фашист бўлса минани айнан ўтлар орасига кўмган эди...



Жумавой ака ҳарбий госпиталда оз эмас, кўп эмас йигирма икки ой ётди. Ўзиям нақ ажалнинг оғзидан қайтиб келди. Ўнг оёғининг сонига темир улаб, сунъий оёқ қилиб беришди. Ниҳоят, 2-даражали ногирон ҳужжатини олиб, касалхонадан чиқди. Бу аҳволда недир ҳунар ўрганмаса, каллани ишлатмаса бўлмаслигини англаган собиқ аскар Московда, қишлоқ хўжалик министрлиги қошида очилган бухгалтерлик ўқишини битирди, меҳнатга шўнғиди.

Унинг кейинги ҳаёти қардош Тожикистонда кечди. Узоқ йиллар бу республиканинг сув, молия ва қурилиш вазирликларида бухгалтерлик вазифасида ишлади. Ишининг сифатлилиги, пухталиги учун бўлса керакки, вазирликлар орасида талаш бўлди.

Жумавой ака ҳозир туғилган юрти Фарғонада. Ўзи сингари ишга лаёқатли, умрини меҳнатсиз тасаввур эта олмайдиган кишилар учун яратилган имтиёздан фойдаланиб, ҳамон меҳнат қиляпти. Саксон ёшли хизматчи ёшларга нафақат иш, балки ҳаёт тажрибаларини ўргатаяпти, очиғи, қандай ишлаш борасида

**Таниш-нотаниш одамлар**

уларга ўрнак ҳам бўляпти. Вилоят маслаҳат аудитор-ахборот маркази тафтишчиси сифатида корхоналардаги ҳисоб-китоб ишларининг тўғри ва ҳалол олиб борилишини назорат қилади. Албатта, бу «қайсар чол» ҳаммага ҳам бирдек ёқавермайди...

Ота билан суҳбатлашсангиз, унинг хотирасига, эслов қобилиятига тан бермай иложингиз йўқ. Қайси соҳада қачон, қандай номдаги қарор ёки қонун қабул қилинган, унинг нечанчи бандида нима дейилгану, қай моддаси нима муносабати билан қайси йили ўзгартирилган... буларнинг бари худди компьютердагидек кекса бухгалтернинг миясига жойлашган. Беш вақт номозни канда қилмайдиган отахон фарзандларини, энди бўлса невара-чевараларини ҳам ҳалол нон топиб ейишга, инсонларнинг ҳожатини чиқаришга, пок ва иймонли яшашга ўргатяпти.

...Абдулла Орипов бир шеърида:

***Инсон деб фалакка***
***ҳайқирмоқ нега,***
***Инсон ёнингда-ку, у***
***менинг қўшним***

деган эди. Дарҳақиқат, Инсон — мўъжиза ёнимизда, ичимизда. Фақат уни кўра олсак, бу қайтарилмас мўъжизага эътибор қила олсак, бас.

**Низомиддин МИРЗО.**


*Vatanni sevmak iymondandur!*

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1998 yil 31 yanvar, shanba № 14 (22.251).

Gazeta 1918 yil 21 iyundan chiqa boshlagan


## ЛАТИФАЛАР

*— Қарзингизни қачон берасиз? Қанча вақтдан бери сўрайвериб жонимдан тўйдим-ку!*

*— Сендан пул олаётганда, қачон қарз бериб турасан, деб сўрамаган эдим, сен ҳадеб қистайвермасанг-чи!*

***

*— Вой дадажонисией, сиз билан юрсам, дўконларга киргим келаверади!*

*— Эҳ, нимасини айтасан, хотин! Мен ҳам дўконларни ўйласам, сен билан юргим келмай қолади.*

***

*— Шошманг-шошманг! Сиз шеригингиз билан йўлни кесиб ўтаётган эдингиз, бирдан чап томондан машина келиб, шеригингизни уриб юборди. Хўш, кейин нима бўлди?*

*— Қизиқмисиз, жаноб судья, ҳушимдан кетиб ётган бўлсам, кейин нима бўлганини қаёқдан билай?!*

***

*— Ўқишга кирмасанг ё бирор жойда ишламасанг... Нима қилсам экан-а?*

*— Бошингизни қотириб ўтирасизми, дада?! Отасининг топиш - тутиши яхши бирорта қизга уйлантириб қўйинг, қутиласиз-қўясиз!*

***

*— Ойижон, менга ёнғоқ беринг.*

*— Хўп, ўзинг бир ҳовуч олақол.*

*— Бир ҳовучми? Ундай бўлса ўзингиз олиб беринг, сизнинг ҳовучингиз каттароқ-да.*

***

*— Ойи, мен мусиқа чалишни ўрганмоқчиман.*

*— Яхши, қанақа асбобда ўрганасан?*

*— Магнитафонда.*


**КОРХОНА ҲАМДА ТАШКИЛОТ РАҲБАРЛАРИ, ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР ДИҚҚАТИГА!**

**ОЧИҚ ТУРДАГИ «ЭСКИ ЖЎВА» БОЗОРИ ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

СИЗЛАРНИ НОМИНАЛ ҚИЙМАТИ 1000 СЎМ БЎЛГАН АКЦИЯЛАРНИ СОТИБ ОЛИШГА

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

**Агарда сиз бозор акцияларини сотиб олсангиз, молиявий аҳволингиз янада ошишга кафолат берамиз. Хонимлар ва жаноблар! «Эски Жўва» бозори акцияларини сотиб олишга шошилинг!**

**Тўлов усули — нақд ёки пул ўтказиш йўли билан.**

Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани, Бозор майдони, 28.
Телефонлар: 42-46-90, 42-52-46.




# ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ЖАНОБЛАР!

**Азиз юртдошлар! Республика Кўчмас мулк биржаси бошқаруви мустақил ва жаннатмакон мамлакатимиз халқини муборак Ийди Рамазон ҳайити билан муборакбод этади.**

**Шу билан бирга биржанинг 1998 йил 31 январь кунига қўйилган кимошди савдоси дам олиш кунларига тўғри келиб қолганлиги муносабати билан мазкур савдо 1998 йил 6 февраль куни соат 11.00 га кўчирилди.**

**Савдога қуйидаги мулклар қўйилади:**

*1. Қашқадарё вилояти Ғузор туманидаги 91-АЁҚШ.*

***Бошланғич баҳоси 1796,1 минг сўм.***

*2. Тошкент шаҳри «Бектемир» туманидаги «Бинокор» посёлкасидаги «Ўзбекистон дон маҳсулотлари» Давлат акционерлик корпорациясига қарашли, тўлиқ ишга тушса бир суткада 500 тонна донни қайта ишлаш қувватига эга бўлган, Тошкент шаҳар «Бинокор» дон маҳсулотлари комбинатининг қурилиши тугалланмаган бинолари, унинг умумий ер майдони 15 гектар.*

***Иншоот қуйидаги бинолардан иборат:***

*1. Элеватор биноси. Қурилиш майдони 18x18 $м^2$. Лойиҳа бўйича 12 қаватли бинонинг 8 қаватининг қурилиши тугалланган.*

*2. Сақлаш биноси. Қурилиш майдони 18x72 $м^2$. Лойиҳа бўйича темир-бетондан қурилиши лозим, 13 қатор.*

*Бир суткада 500 тонна ун чиқарадиган тегирмон. Лойиҳа бўйича 6 қават, темир-бетондан қурилиши керак.*

*Ушбу иншоотларнинг пойдевори тўлиқ ва 70 фоиз, 1-қават устунлари битган.*

*3. Омборхона биноси. Қурилиш майдони 18x17 $м^2$. Пойдевори битган.*

*4. 100 м. куб сув сақлашга мўлжалланган жой. Пойдевори битган.*

*5. 2 қаватли ун омборхонаси. Пойдевори битган.*

*6. Насос станцияси.*

*7. Трансформатор станцияси.*

*8. 1 та автомашинага мўлжалланган ўт ўчириш депоси. Пойдеворининг бир қисми ва лаҳми битган.*

*9. Маъмурий бино. 3 қаватли, пойдевори битган.*

*10. Жиҳозлар омборхонаси. 1 қаватли, ғиштли бино. Девори ва бир қисми битган.*

*11. Ёрдамчи бинолар. Пойдевори битган.*

*12. Яшаш уйлари. Лойиҳа бўйича 2 қаватли, ҳар бирида 2 тадан квартирали 4 та уй ва 2 қаватли, 1 тадан квартирали 2 та уй. Ушбу уйларнинг пойдевори битган.*

*Мазкур қурилиши тугалланмаган бинонинг ичига темир йўл киритилган. Қурилиш майдони атрофи темир-бетон билан ўралган.*

***Умумий бошланғич баҳоси 220 млн. 258 минг 500 сўм.***

*Мазкур мулкларга қизиқиши бўлган ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, хорижлик сармоядорлар Республика Кўчмас мулк биржасига мурожаат қилишлари мумкин.*

***Манзилимиз: Тошкент шаҳри, «Бухоро» (олдинги «Правда Востока») кўчаси, 8-уй.***
***Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29, 136-28-75.***
***Факс: 136-26-26.***

## ТОШКЕНТ ШАҲАР КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИ 1998 ЙИЛ 11-20-27-ФЕВРАЛЬ КУНЛАРИ КИМОШДИ САВДОЛАРИНИ ЎТКАЗАДИ

**Савдога қуйидагилар қўйилади:**

Тошкент шаҳар Дори-дармон Давлат акционерлик бирлашмасига қарашли:

— 3 та «Москвич-2140» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 26118 сўмдан 44849 сўмгача;**

— Иккита «ИЖ-2715» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 40083 ва 44091 сўм;**

— «ГАЗ-24» русумли автомобиль, **бошланғич нархи — 37655 сўм;**

— «УАЗ-452» русумли автомобиль, **бошланғич нархи — 70583 сўм;**

— Ўн еттита «ГАЗ-52» русумли автомобиль, **бошланғич нархи — 105906 сўмдан 211811 сўмгача;**

— «ГАЗ»—53-А» русумли автомобиль, **бошланғич нархи 140580 сўм.**

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг «ВАЗ-2121» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 49952 сўм.**

«Ўзсувқурилиш» Давлат концернининг 3-механизациялашган кўчма колоннасига қарашли:

— «КРАЗ-255 Б» русумли автомобиль, **бошланғич нархи — 516620 сўм;**

— Иккита «ГАЗ-63» русумли автомобиль, **бошланғич нархи — 58431 ва 65173 сўм.**

Тошкент шаҳар Ҳокимлиги «Тошиссиққувват» ишлаб чиқариш бирлашмасининг транспорт ва механизмлар корхонасига қарашли «ИЖ-2715» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 50447 сўм**.

Тошкент темир-бетон буюмлари корхонасининг «ИЖ-2715» русумли автомобили, **бошланғич нархи — 67302 сўм**.

**Турар жой иншоотлари:**

Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Мавзук кўчасида жойлашган уй-жой. **Бошланғич нархи — 2500000 сўм.**

Собир Раҳимов тумани, Қамарнисо кўчасида жойлашган уй-жой. **Бошланғич нархи — 3208626 сўм.**

Тошкент шаҳар ҳудудида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун ер участкалари. **Бошланғич нархи — 22449 сўмдан 864849 сўмгача,** (ҳар бир ер участкаининг майдони 0,04 гадан).

**БИНОЛАР:**

Собир Раҳимов тумани Уста Ширин кўчасида жойлашган дўкон биноси, умумий майдони 230 кв. м. **Бошланғич баҳоси — 1534000 сўм.**

*Кимошди савдосида юридик ва жисмоний шахслар қатнашиши мумкин. Тўлов шакли турли йўллар билан амалга оширилади.*

**Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 13.1-қават. 1-хона.**
**Телефонлар: 144-44-72, 144-44-73.**
**ШОШИЛИНГ, БУ СИЗНИНГ ИМКОНИЯТИНГИЗ!**



**(«Ўзбекистон овози»нинг навбатдаги сони 5 февраль, пайшанба куни чиқади).**



**Бош муҳаррир**
**Азим СУЮН**

**Таҳрир ҳайъати**

**Абдулла ОРИПОВ**
**Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ**
**Азиз НОСИРОВ**
**Одилжон ОЛИМЖОНОВ**
**Ислом ШОҒУЛОМОВ**
**Салим АШУРОВ** (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
**Норбобо ШАКАРОВ** (бош муҳаррир ўринбосари)
**Андрей ОРЛОВ** — (бош муҳаррир ўринбосари «Голос Узбекистана»)
**Алимқул СУЛТОНОВ** (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

**ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ**

**ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА**

**МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ**

**БЎЛИМЛАР:**

*Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-76-04, 136-33-40.*
*Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-07-20, 136-54-06.*
*Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.*
*Фан ва маданият — 133-20-36, 136-33-40.*
*Хатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.*
*Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.*
*Халқаро ҳаёт — 133-20-36.*
*Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.*
*Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.*
*факс— 133-38-55, 133-54-55*

**ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:**

*Андижонда —* ***24-16-48;***
*Бухорода —* ***23-80-06;***
*Гулистонда —* ***25-16-22;***
*Жиззахда —* ***3-31-86;***
*Навоийда —* ***3-39-20;***
*Наманганда —* ***6-43-43;***
*Нукусда —* ***7-58-83;***
*Каттақўрғонда —* ***5-33-46;***
*Тошкентда —* ***133-76-04;***
*Урганчда —* ***6-51-35;***
*Фарғонада —* ***24-54-61;***
*Қаршида —* ***3-25-79;***
*Қумқўрғонда —* ***5-26-24.***

**МАНЗИЛИМИЗ:**

**700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.**

**Корхона манзили:** Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

*Навбатчи муҳаррир Э. ЭСИРГАДИЕВ, навбатчи А. БОБОЕВ.*

**Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120**

**Газета офсет усулида, А—2 форматида. 32021 нусхада босилди**

**Ҳажми 2 босма табоқ**

**«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.**

**Г — 0887**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*
***1 2 3 4 5 6.***

**СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА**